
Автомашинаси хатлангач, жарималар тўлиқ ундирилди!

Бешариқ туман ИИБ ЙХГГнинг жами 17 та қарорига асосан қарздор А.В дан давлат фойдасига 18.200.000 сўм маъмурий жарима ундириш белгиланган. Бюронинг Бешариқ туман бўлими томонидан ижро ҳужжатлари мажбурий ижрога қабул қилинган ва қарздорга жарималарни тўлашлиги тўғрисида хабар берилган. Қарздор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, унга тегишли 40 Y 420 ZA двлат белгили, Ласетти-2 русумли автомашинаси борлиги аниқлан. Давлат ижрочиси томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида, қарздорга тегишли автомашини хатланиб, жарима майдонига олиб кирилди ва 17 та ижро ҳужжати бўйича 18.200.000 сўм жарималар тўлиқ ундирилди. Келгусида, қарздор томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилади деган умидда қоламиз.

Бўлим бошлиғи адлия маслаҳатчиси С.С.Қўшмоқов

2024-05-20 17:08:40